

«Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантириш: янги молия архитектураси» мавзусидаги видео тақдимот ва таҳлилий маълумотни тайёрлашга қўйилган талаблар

1. Мустақил равишда илмий-ижодий жамоа шакллантириш (3-5 кишидан иборат).

2. Жамоавий тарзда анжуман мавзусига бағишланган таҳлилий материал ва унинг ечимлари бўйича **2 дақиқалик** видео тақдимот тайёрлаш.

3. Таҳлилий маълумот тайёрлаш. Таҳлилий маълумотда қуйидагилар ёритилган бўлиши керак:

- тақлиф этилган тадқиқот/диагностика усуллари;
- усулларнинг мавзу вазифаларига мослиги;
- таҳлилнинг кенглиги;
- ғоянинг долзарблиги;
- ечимнинг тузилиши ва мантиқий уйғунлиги;
- ечимнинг ўзига хослиги/инновационлиги;
- лойиҳанинг амалий аҳамияти ва уни амалга ошириш имконияти;
- алгоритм мавжудлиги ва илмий асосланганлиги.

Видео тақдимот ва таҳлилий маълумотни қуйидаги ҳаволага юкланг: <https://webmail.bfa.uz/>. Таҳлилий маълумот Word форматда юкланади.

Эслатма:

- таҳлилий маълумотнинг сўнгги саҳифаси ҳар бир жамоа иштирокчисининг фотосурати ва у ҳақидаги қисқа маълумотларни ўз ичига олиши керак;

- кўчирма материаллардан фойдаланилганда манбаларга ҳаволалар кўрсатилиши шарт.

Анжуман ташкилотчилари (экспертлар) томонидан жамоаларнинг плагиат ҳолатларига ёки бошқа муаллифлар интеллектуал мулкидан фойдаланишга йўл қўйганликлари аниқланганда, уларни анжумандан четлатиш ҳуқуқига эгадир.